

Биз туркистонлиларга газета ўқумок у қадар расм ва таомил эмас. Агар газета ўқумокнинг манфаатини билса эдук, ёки газета ўқуб маъносига тушунса эдук, хатто бир нафас ўлсун газета мутолаасидин воз кечмас эдук.

Газета ўқумок у қадар лаззатли шайдурки, бунинг лаззатини факат қалам ила тасвир қилиб бўлмас.

Лекин газета ўқуб лаззат топмок учун тарих ва жугрофиядан хабардор бўлмок керак. Чунончи, бу кунцаги Туркия ила Италиё сўгушига мутааллук хабарларни ўқуб англамок учун бу икки давлатнинг, филжумла жугрофияси ила тарихини билиб, мавқеъи мухораба харитасини кўз олдига тутмок керак. Шундай бўлмагон холда газета ўқувчи ўқиган хабарларидин истифода эта олмайдур. Бизнинг халқ аксарият ила газета ўқумайлар. Газета ўқувчиларидан ҳам ўн нафаридан тўққизи газетадан лозим даражада истифода қила олмайдур. Чунки тарих ва жугрофиядан озгина ўлсун хабари йўқ. Хатто ўз баладасини жугрофиясини ҳам билмас.

Билмок керакким, газеталарни яхши ва истифодалисиз ўлдиги қаби истифодасизлиги ҳам бўлур. Шунинг учун газета ўқувчи бул хусусда диққат ила газета интиҳоб қилмоги керак.

Бир давлат ёки бир миллатни маориф ва саноиъ тўғрисида на даражада эдиқини билмокчи бўлсангиз, жугрофия ва газета воситаси ила билурсиз.

Хулоса, жугрофия ва газета бир оинаи жахоннамодурки, тамом ҳаракат ва аҳволи аҳли илм буларнинг воситасила билиниб турадур. Буларни ва тарихни ўқуган киши бир миллатнинг тараккийси ва ё инкирози налар ила ўлажагини қамоқона билур.

Ва бундин сўнг дин ва миллатни яхши қўратурган бўлса, тараккийси учун мумкин қадар ҳар бир чорая ташбиш эдар.

Бизнинг Туркистонга эса хатто бир дона ўлсун миллий газета йўқдур. Бизнинг хаётсизлигимиз ва ҳам маорифи замон ва саноиъи жадидадан бутун бебахра ўлдугимиз шул бир дона миллий газетая молик ўлмадигимиз далил бўлса керак. То бир миллий газетая молик бўлгунча, биз ушбу «Туркистон» газетасига маколаларимизни юбориб турармиз.

Хар ким хар на деса десун, биз ўз маслакимизда хидмат эдармиз.

Маколаларимизни газетига дарж этдики учун соҳибидин ҳам миннатдормиз.

*«Туркистон вилоятининг газети»,*

*1911 йил, 24 ноябрь*